Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 19-oktabr, shanba № 128 (3321)

# Ўзбекистон — Латвия: ҳамкорликнинг янги босқичи

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябр кунлари ушбу мамлакатда бўлди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 октябр куни бўлиб ўтди.

Латвия Президенти қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Латвия ўзаро муҳим ва ишончли ҳамкор эканлиги, мамлакатларимизни кўп йиллик анъанавий ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туриши таъкидланди.

Қайд этиш керакки, музокаралар ёрқин воқеа билан бошланди: Ўзбекистон Республикаси Президентига Латвиянинг олий давлат мукофоти — биринчи даражали «Эътироф крести» ордени топширилди. Латвия Республикаси Президенти мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу бир жиҳатдан икки давлат раҳбарларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматларининг ўзаро эътирофи бўлса, бошқа томондан, муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасидаги умумий манфаатдорлик ва интилишларнинг ифодасидир.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро шартнома ва ҳукуматлараро битимлар имзоланган.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда – парламентлар аъзоларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, қонун ижодкорлиги борасидаги ўзаро тажриба алмашиш яхши самаралар бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. 2012 йилда Ўзбекистон парламентида Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ташкил қилинди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам ва конструктив маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш борасида кўрсатаётган ёрдами, хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро коалициянинг иштирокчи давлатлари билан ҳамкорлигига юксак баҳо берди.

Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Латвиянинг ёндашув ва позицияси ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия Президентлари савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, транспорт, жумладан, автомобилда ва халқаро ташувлар соҳасида, таълим, фан, қишлоқ хўжалиги, аккредитация ва метрология, ахборот технологиялари, туризм ва бошқа йўналишларда фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши учун барқарор шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган. Иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш борасида эришилган келишувлар амал қилмоқда.

Латвия — Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида транспорт, илмий-техникавий, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар, икки мамлакат ҳукуматлари вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқаларининг муҳим самараларидир.

Ўзбекистон ва Латвия иқтисодиёт соҳасида улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар бу имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Латвия тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши мумкин бўлган йўналишлар кўп. Ўзбекистон компанияларининг жорий йил сентябр ойида ўтган «Riga Food — 2013» халқаро кўргазмасидаги иштироки натижалари ҳам бунга мисол бўла олади. Ушбу кўргазма якунларига кўра, Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини Латвия ва Европа мамлакатларига етказиб бериш бўйича 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлган транспорт соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу асосий минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида мамлакатларимиздан амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо қилади.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, туризм, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон томони, шунингдек, латвиялик ишбилармонларни туризм соҳасида ҳамкорликка жалб этиш, бу борада кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишга ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Латвия, умуман, Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолиси Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларини яхши билади. Қадимий Мовароуннаҳрнинг сеҳрли олами, бой тарихи ва анъаналари барчани мафтун этиши табиий.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ригада бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Латвияда биргаликда бизнес юритиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, Латвия логистика тармоқларидан Ўзбекистоннинг фойдаланишини кенгайтириш, Ўзбекистондан Латвияга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ишбилармон доираларнинг бевосита алоқалари мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу, хусусан, Болтиқбўйи бозорларини Европа Иттифоқининг барча талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда Латвияда сотилаётган Ўзбекистон маҳсулотлари кўп ҳолларда бевосита эмас, учинчи мамлакатлар орқали келтирилади. Бу уларнинг нархига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Аслида, Ўзбекистон ўз озиқ-овқат товарларини нафақат Болтиқбўйи бозорларига, балки қуритилган мева ва полиз маҳсулотларини савдо флотига ҳам етказиб бериши мумкин. Бу, албатта, ишбилармон доираларнинг вазифаси. Томонлар икки мамлакат тадбиркорларини мазкур йўналишда иш олиб боришга жалб этишга келишиб олдилар. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Энди гап тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишда.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг, 2006 йилда улкан мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, буюк аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтироминининг амалдаги яққол ифодаси бўлди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Бадиий ва фото кўргазмалар, кино декадалари, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фолклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Хусусан, Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Латвияда ўқиётган хорижлик талабалар сони бўйича бешинчи ўринда туради. Латвияда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтиня билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди. Суҳбат жараёнида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш ҳамроҳлигида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорлик ривожига янада жадал суръат бахш этиши ва уни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Рига — Тошкент**



## Мижозлар мамнун



**Жаркўрғон туманидаги «Жаркўрғон савдо» масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг май ойида маиший хизмат маркази ишга туширилди.**

15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган марказда аёллар гўзаллик салони, келин либослари салони ҳамда тикувчилик цехи фаолият кўрсатмоқда. Қисқа фурсатда марказ сифатли хизматлари билан аҳоли кўнглига йўл топиб, мижозлари сафини тобора кенгайтирмоқда.

***Суратларда:*** *тикувчилик цехи ишчиси Шаҳноза Оллоёрова; аёллар гўзаллик салони ходими Гулфарз Гулбоева.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Янгиликлар оқимидан

### НАМАНГАН

**Наманган шаҳрида йўналишсиз такси корхоналари сафи яна биттага кўпайди. «Наманган юк авто» масъулияти чекланган жамияти ўн уч дона янги «Нексия» русумли енгил автомобил харид қилиб, шаҳар ичида йўналишсиз такси хизматини йўлга қўйди.**

## ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, шу кунгача Наманган шаҳрининг ўзида «Такси», «Муҳаммад сервис», «17-автобус саройи» масъулияти чекланган жамиятлари, «Роҳилахон» КТХФ каби корхоналар томонидан йўналишсиз такси хизмати ташкил этиб келинмоқда.

«Наманган юк авто» МЧЖ эса уларнинг сафига навбатдаги корхона бўлиб қўшилди. Шундай қилиб, бугун Наманган шаҳрида қарор талаблари асосида жиҳозланган ва тегишли лицензияга эга бўлган енгил таксилар сони 162 тага етди.

### БУХОРО

**«Ораста қизлар» республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## ОРАСТА ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Мазкур тадбирда вилоятдаги 88 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи вакиллари иштирок этди. Кўрик-танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида ғолибликка эришган 13 та гуруҳ-жамоа ўртасида баҳслар қизғин тус олди.

Пировардида энг кўп балл тўплаган Ғиждувон тиббиёт коллежининг «Ораста» гуруҳи ғолиб деб топилди. Кейинги совринли ўринлар Шофиркон туманининг «Шарқ маликалари» ва Бухоро шаҳрининг «Зулфияхоним қизлари» гуруҳларига насиб этди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Ифтихор

## Дил калити

**Тақдир тақозоси боис яқин хориж давлатларидан бирида маълум муддат яшашимга тўғри келди. Албатта, сўзлашишда қийналганим йўқ. Аммо кишига барибир нимадир етишмаётгандек бўлавераркан. Тўғриси, сиқилишимнинг сабабини ўзим ҳам билмасдим. Бир куни кўчада икки кишининг ўзбек тилида сўзлашиб кетаётганига гувоҳ бўлдим. Ишонасизми, узоқ кўришмаган қадрдонларга дуч келгандекман. Ҳамюртларни тўхтатиб анча суҳбатлашдик. Улар дастлаб мендек мовий кўзли аёлнинг ўзбекча равон сўзлаётганидан ҳайрон бўлишди. Ўзбекистонлик эканимни билишгач, яқинини кўргандек шодланишди.**

Кўҳна Самарқанд она шаҳрим саналади. Ўзбеклар орасида ўсиб-улғайдим. Ўқидим, ишладим, айни чоғда қарилик гаштини сураяпман. Маҳаллада яшайман. Қўни-қўшнилар билан борди-келдимиз бор. Маъракаларда ҳеч маҳал мени ўзга миллат вакили дея четлатиб қўйишмайди. Маҳалланинг ҳамма тадбирларида иштирок этаман. Гапнинг рости, халқимиздаги бағрикенглик ҳеч бир миллат ва элатда йўқ. Дунёдаги бирор миллат ўзбеклар сингари меҳмоннавозлик кўрсата олмайди. Тўй-маърака ўтказишдаги ҳамжиҳатликни айтмайсизми!

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, дейишади. Оғир кунларни ҳам бошдан ўтказдик. Шундай дамларда қўни-қўшниларимиз ёнимизда турди. Руҳий мадад беришди, ҳаттоки моддий томондан қўллаб-қувватлашди. Оқибатлилик, бошига мусибат тушган кишини қўллаш, ҳамдардлик фақат бизнинг халқимизга хосдир.

Ўзим ўзбек тилида гапираман, ёзаман, ўқийман. Тилимиздаги жозибадорликни тўла ҳис эта оламан. Каттага бўлган ҳурмат, кичикларни иззатлаш қайси тилда бор. Халқимиз орасида «сиз»-у «биз»нинг қадри ўзгача. Бизда ҳеч ким бир-бирини «сен»ламайди.

Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари оға-инидек қадрдон яшаб келишаяпти. Тўғрисини айтганда, бу диёрда яшаётган ҳар бир киши ўзбек тилини билиши лозим. Бусиз ушбу юртни, шу заминда яшаётган оқ кўнгилли инсонларни яхши биламан, дейиш катта хатолик бўлса керак, деб ўйлайман.

**Лилия ОВЧИННИКОВА,**
**Самарқанд шаҳрида**
**яшовчи пенсионер**

## Университетда электрон кутубхона

**Юртбошимизнинг 2012 йил 5 сентябрдаги «Корея Республикаси Ҳукумати грантини жалб қилган ҳолда «Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ва Тошкент Давлат шарқшунослик институтида электрон кутубхона ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида электрон кутубхона биноси фойдаланишга топширилди.**

Электрон кутубхона Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳаси асосида Корея Республикаси ҳукумат грантларини жалб этиш ҳисобига қуриб битказилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома 2012 йилнинг 10-12 февралида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган эди.

Янги электрон кутубхона энг замонавий ва самарали ахборот-компютер технологиялари билан таъминланган бўлиб, зарур манбалар, маълумот олиш шакллари ва усулларини танлаш ва хизмат кўрсатиш тамойили асосида ишлайди.

Шунингдек, кутубхонада Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ҳамда чет эл ахборот-кутубхона ресурсларига уланиш имкониятлари яратилди.

Кутубхонага умумий ҳисобда 100 та компютер жамланмаси, 2 тезкор сканер, 10 дан ортиқ лазерли принтерлар ва нусха кўчириш, муқовалаш ускуналари олиб келинди. Булардан ташқари, янги кутубхонада амалиёт олиб борувчи ходимларни ўқитиш ва тажриба ўргатиш мақсадида Жанубий Кореялик мутахассислар жалб этилди.

**«Туркистон-пресс»**

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133
2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

Ishonch
2013-yil 19-oktabr № 128 (3321)

## Ғамхўрлик

**Юртимизда ёш авлод камоли йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, жисмоний нуқсони бор болажонларнинг таълим олиб, келгусида ўзи қизиққан соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишиши, мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳар «Мурувват» ногирон болалар учун 2-сон интернат уйи 400 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда бу ерда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланмоқда. Таомилга кўра, қабул қилинганлар махсус тиббий-педагогик комиссия текширувидан ўтказилади ва уларга оила шароитига яқинлаштирилган бўлимларда малакали тиббий ва педагог ходимлар томонидан хизмат кўрсатилади.**





# Болаларга меҳр улашиб

— «Мурувват» уйимизда ногирон болаларни тиббий, ижтимоий реабилитация ва касбга йўналтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди «Мурувват» уйи директори Жамолиддин Нажмиддинов. — Ногирон болаларни жамиятга интеграция қилиш бўйича барча шароитлар мавжуд. Махсус таълим синфлари, жисмоний тарбия хоналари, чиниқтирувчи чўмилиш ҳавзаси, компютер саводхонлиги, тикувчилик, ошпазлик каби тўгараклар фаолият олиб бормоқда.





«Мурувват» уйига давлатимиз томонидан ногирон болалар учун ажратилаётган бюджет маблағлари билан бирга, саховатпеша инсонлар томонидан ҳам кўплаб ёрдамлар кўрсатилмоқда.

— Яқинда ҳомийларимиз «Радиус-01 ФТ» аппарати совға қилишди. Унинг олтита функцияни бажариши болажонларни даволашда қўл келмоқда, — дейди физиотерапея хонаси ҳамшираси Луиза Сулаймонова. — Ишимиз анча енгиллашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгашлари масъул ходимлари «Мурувват» уйида бўлишди.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» мавзуида тадбир ташкил этилиб, сўзга чиққанлар мамлакатимизда болажонларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Тадбирда тарбияланувчилардан 70 нафарига совғалар улашилди. Олмазор туманидаги 182-мактабгача таълим муассасаси жажжи қизалоқлари гўзал чиқишлари билан болажонларни хушнуд этишди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## Матбуот анжумани

**Ҳар бир халқ, миллатнинг улуғлик мезони ўлчови ўша халқ тарихининг нечоғлик қадимийлиги, маданий ва маънавий бойлиги билан ўлчанади.**

# Ўтмишсиз келажак бўлмайди

Ўтмишимизни тадқиқ этиб, тарихимизни ҳаққоний баҳолашда, халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси бўлмиш архив ҳужжатларининг аҳамияти катта. Мустақиллик шарофати туфайли бу соҳага ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, ишни ривожлантириш мақсадида қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Архив бинолари янги замонавий технологиялар билан бойитилди, янгилари бунёд этилди.

Фаолият кўрсатаётган архивлар орасида Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви алоҳида ўрин тутади. У 1943 йил ташкил этилган бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг йирик ҳамда Ўзбекистондаги ягона ва махсус ҳужжатлар сақлови учун ихтисослашган. Архив фондларида ўта ноёб ҳужжатли филмлар, фотосуратлар ҳамда овозли ҳужжатлар сақланмоқда. Энг қадимги фото манбалар 1860 йилларга тааллуқли бўлиб, уларда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти акс эттирилган. Кино ҳужжатларининг дастлабкилари 1900 йилларга дахлдор ва уларда республикамизда бўлаётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар тасвирланган.

Ҳужжатлар сақловини таъминлаш улар турларига қараб амалга оширилади, яъни кино, фото ва фоно ҳужжатлари учун алоҳида сақловхоналар яратилган. Архив кино, фото, фоно ҳужжатлари сақловини таъминлаш учун ҳарорат ва нисбий намлик, санитар-гигиеник, замонавий техника билан жиҳозланган ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлов тизимлари амалга жорий қилинган. ЎзР ҚФФХ МДА қўриқлов тизимини кучайтириш, кино, фото, фоно ҳужжатлар билан ишлаш асбоб-ускуналарини жаҳон талабларига мос даражада янгилаш режалаштирилмоқда.

Давлат сақловига қабул қилинаётган, сақланаётган, вақтинча фойдаланишга беришдан олдин ва қайтариб олингандан сўнг ҳужжатларнинг техник, физик-кимёвий ҳолати назоратдан ўтказилади. Сақловдаги ҳужжатларга консервацион-профилактик ишлов бериш, зарур бўлган ҳолатларда қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Архивнинг асосий вазифаси аждодларимиз томонидан қолдирилган бой маданий меросни сақлашдан иборат бўлибгина қолмай, балки ундан ватанимиз равнақи йўлида ҳар тарафлама оқилона фойдаланишни ҳам ташкил этишдан иборат.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзархив» агентлиги томонидан ўтказилган «Инсониятнинг моддий ва номоддий меросини лозим даражада сақлаш масалалари» мавзуидаги матбуот анжуманида шулар тўғрисида сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбиркорлик

# Маҳсулот тури кўпаймоқда

**Бойсун тумани марказидаги «Оби» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида пайпоқ тўқиш корхонасининг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерда 10 нафар фуқаро иш билан таъминланди.**

«Пойгабоши» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам енгил саноат шохобчаси ишга тушди. Маҳаллада яшовчи тадбиркор ака-ука Шуҳрат ва Давлат Истатовлар 100 млн. сўм сарфлаб, илгариги 256-хўжалик механизациялашган кўчма жамланмасининг қаровсиз қолган биносини қайта таъмирлашди ва Хитойда ишлаб чиқарилган «ЖУИТА» русумли дастгоҳлардан 13 тасини ўрнатишди.

Корхонага Тошкент шаҳридан дизайнер ва модельерлар таклиф этилди. Улар устозлигида 15 нафар маҳаллий қиз ва жувон енг шимариб ишга киришди. Моҳир қўллар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг намуна нусхалари элга манзур бўлди. Ҳозирда бош уста Моҳинур Қосимова етакчилигида чевар тикувчилар тайёрлаётган либослар бойсунликлар орасида ўз харидорини топибгина қолмай, воҳадаги дўконларда ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди.

— Енгил уст-бошлар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаймиз, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Истатов. — Кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш, кир ювишни ташкил қилмоқчимиз. Лойиҳа йил охиригача амалга оширилади. Натижада, яна 5 та иш ўрни яратилади.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини 10 тадан ошириш режалаштирилмоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Қарор ва ижро

**Йўловчи ташувчи транспорт воситалари хизматини яхшилаш мақсадида мамлакатимизда қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалга татбиқ этилди. Тизимда олиб борилган ислоҳотлар натижасида фуқароларга намунали хизмат кўрсатиш имкони янада яхшиланди.**

# Тезкор, қулай ва безарар

Ҳозирда хориждан келтирилган замонавий автобуслар ҳар жиҳатдан қулай, тезкор ва кўркам кўринишга эга. Бунинг учун давлат бюджети маблағи ҳисобига 1994 –1998 йилларда Германияда ишлаб чиқарилган 277 та «Mercedes-Benz 0 405» русумдаги, 2003-2004 йилларда 300 та «Mercedes-Benz Conecto 0 345» русумли автобуслар сотиб олинган. Шу билан бирга, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити ва давлат маблағлари ҳисобидан 2008-2013 йилларда 600 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари харид қилинди.

Самарқандда ишлаб чиқарилган 700 дан ортиқ «Isuzu» автобуслари 2007 - 2013 йилларда «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясини жалб қилиш йўли билан, тижорат банклари кредитлари ҳамда автобус саройлари маблағи ҳисобидан сотиб олинди. Шунингдек, Чехияда ишлаб чиқарилган 90 та «Татра ТЗМ», «Vario LF», Россияда ишлаб чиқарилган 30 та «71-619 КТ» трамвай транспорт воситалари ҳамда 20 та метро вагонлари олиб келинди.

Мустақиллик йилларида транспорт воситаларининг ҳаракатдаги таркибини янгилаш учун 340 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига биноан «Toshshahartransxizmat» уюшмасининг ташкил этилиши пойтахтимизда йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг фаолиятини тубдан яхшилаш имконини яратди.

49 та автотранспорт корхонаси, 6 та электр транспорти корхонаси, 7 та инфратузилма корхонаси, 5 та сервис-таъмирлаш маркази, 4 та эҳтиёт қисмлар, материаллар билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда ўқув маркази мавжуд бўлиб, 1693 та автобус, 425 та микроавтобус, 384 та такси, 98 та трамвай ҳамда 194 та метро вагонлари йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Уюшма олдига қўйган асосий вазифалардан яна бири транспорт воситаларининг атроф-муҳитга бўлган зарарини камайтиришдан иборат. Шунга мувофиқ, замонавий, жаҳон талабига жавоб берадиган автобуслар йўналишларга чиқарилаётир. Таҳлиллар Германияда ишлаб чиқарилган дизел ёқилғисида ишловчи автобуслардан фойдаланиш ҳавога ташланаётган зарарли моддалар, яъни углерод оксидининг 78 фоизга, углеводородларнинг 61 фоизга, альдегидларнинг 92 фоизга, қўрғошин бирикмаларининг 100 фоизга камайишини кўрсатмоқда.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 майдаги «Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автобуслари паркини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Toshshahartransxizmat» уюшмаси ва Германиянинг «EvoBus GmbH» компанияси ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланиб, яна 100 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари шу йил охирига қадар олиб келинади. Ҳозирда уларнинг аксарияти йўловчиларга хизмат қилишни бошлаб юборди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Меҳнат муҳофазаси

**Хавфсиз иш шароити яратиш, асбоб-ускуналар, технологияларнинг яроқлилигини таъминлаш, меҳнат можароларининг олдини олиш кабилар корхона ва ташкилотлар олдида турган устувор вазифалардандир. Навоий вилоятида бу йўналишда ибратли ишларни амалга ошираётган меҳнат жамоалари талайгина. Жумладан, «Ўзтелеком» АК Навоий филиалига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг республика босқичида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси тармоғи бўйича 1-ўрин насиб этди.**



# Тизимда намунали

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тармоғи бўйича эса Кармана туман тиббиёт бирлашмаси шундай эътирофга сазовор бўлди.

— Саъй-ҳаракатларимиз бу қадар юксак баҳоланишини кутмаган эдик, — дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Ғиёс Содиқов. — Мана, ўн йилдирки, касаба уюшма фаоллари сафида касбдошлар манфаатини ҳимоялаш йўлида камарбастамиз. Маъмурият билан қўлни қўлга бериб ишлаяпмиз. 1584 нафар аъзо манфаати доим ҳимояда. Бирлашмамизга Япония гранти асосида 118 минг 450 АҚШ доллари миқдорида энг сўнгги тиббиёт техникалари олиб келтирилмоқда. Янги шифохона, жумладан, поликлиника, юқумли касалликлар шифохонаси, шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг қурилиши бошланиш арафасида.

Тизим ишида намунали саналган Хатирчи туманида ҳам меҳнат кўтаринкилиги гувоҳига айландик. Тумандаги 5-умумтаълим мактаби касабақўм етакчисининг иш берувчи билан ҳамкорлиги янги ютуқларга йўл очаётир. Қарийб 15 йилдан буён муассаса аъзоларига етакчилик қилаётган Қутбидин Тўйчиев ўз бахтини кўпнинг ишончида деб билади. Якдиллик асосида олиб борилган пухта тайёргарлик мазкур жамоа нуфузига нуфуз қўшди. Мактаб кўрик-танловнинг республика босқичида 2-ўрин совриндорига айланди.

«Қизилқумцемент» ОАЖ Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшма тармоғи бўйича 3-ўринни қўлга киритди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Жамият

**Жиззахда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ўтказилди.**

# Тайёргарлик қизғин

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган семинарда мамлакатимизда тарихан шаклланган маҳалла институти ўзини ўзи бошқаришнинг демократик шакли экани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилнинг ноябр-декабр ойларида ўтказиладиган сайловларда Жиззах вилоятида 306 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Ушбу сайловларни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда сайловларга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

— Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, уларнинг қонунчиликда белгиланган вазифаларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Нусрат Пардаев. — Бу жараёнда оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**ЎзА**

## Етакчилар ҳақида ҳикоялар

**Ҳаётининг салкам 40 йилини ёшларга билим беришдек шарафли юмушга бағишлаган Рихсивой Юсупов Тошкент архитектура қурилиш институти доценти бўлиш билан бирга, неча йилдирки, институт касаба уюшма қўмитасига ҳам етакчилик қилмоқда. Р.Юсупов 100 дан зиёд илмий мақола, 5 та ўқув қўлланма муаллифи бўлиб, ўтган йиллар мобайнида талай шогирдлар тайёрлади. Ҳозирда улар юртимизнинг турли ҳудудларида кечаётган бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчиси.**



# Ҳам олим, ҳам раҳнамо

Рихсивой ака кўп йиллар давомида институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори лавозимида ишлади. Шу даврда ҳам асосий ишидан ташқари, ижтимоий масалаларга вақт ажратди. Касабақўм этиб сайлангандан кейин, бундай ишлар унинг асосий вазифасига айланди.

— Мақсадим, жамоамиз орасида касаба уюшмаси мавқеини кўтариш, — дейди у. — Бу йўлда изчил фаолият юритяпмиз.

Институт бошланғич касаба уюшма қўмитаси таркибида 690 нафар аъзо бор. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ишчи-ходимлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялайдиган бандлар бўлиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Касаба уюшма аъзоларининг ариза ва оғзаки мурожаатлари вақтида ижобий ҳал этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 50 нафар ходимга 2 млн. сўмга яқин миқдорда моддий кўмак берилди.

— Кутилмаганда қаттиқ бетоб бўлиб қолдим, — дейди 4-босқич талабаси Дилноза Ювашева. — Шифокорлар тезлик билан операция қилиш кераклиги, кутишга вақт йўқлигини айтишди. Олис қишлоқдан келганман. Табиийки, Рихсивой акага учрадим. Касаба уюшма ҳисобидан берилган ёрдам пули жонимга оро кирди. Дори-дармон қилиб, шифо топдим.

Шунингдек, бундан бир ой олдин нафақадаги Валентина Бурцева касабақўм раисига касалхонада даволанганини, шунинг учун ҳозирда қийналиб қолганини айтди. Институтдаги кўп йиллик меҳнати ҳисобга олиниб, унга ҳам тегишлича кўмак кўрсатилди.

Ободлик — кўнгилдан бошланади, деганларидек, институт раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда вақти билан Шайхонтоҳур туманидаги 37-мактаб-интернат ўқувчилари ҳузурида бўлиб, совғалар улашишади. Байрам кунлари концерт дастурлари намойиш этиб, уларнинг кўнгилларини хушнуд этишади.

Йил давомида 12 нафар профессор-ўқитувчи, ходимлар саломатликларини тиклаган бўлса, уларнинг 20 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди.

Таъкидлаш жоизки, касабақўм институтдаги жамоатчилик асосида ишлаётган ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, Урганч шаҳрини реконструкция қилиш ишларида «Камолот»чи талабалар ўзларининг таклифлари билан иштирок этишди. Фаол қатнашган лойиҳа эгалари ва яна бир қатор касаба уюшма аъзоларининг Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Афросиёб» тезюрар поездида Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳат ташкил этилди.

Ходимлар ва талабаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида йилда икки маротаба спорт мусобақалари ўтказилади. «Маънавият кунлари» доирасида бир қатор маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирлар, шу билан бир қаторда, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Чунончи, 400 нафар профессор-ўқитувчига театр томошаларига бепул чипталар тарқатилди.

Касабақўм раиси фаолияти билан танишар эканмиз, бир нарсага амин бўлдикки, уюшмага самимий, омилкор инсон етакчилик қилса, ишлар бароридан келаверар экан.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## 21 октябр — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

**Ҳозирги ўзбек тили ўз тарихи ва тараққиёт босқичига эга. Бунда буюк мутафаккирларимизнинг хизмати катта. Юсуф Хос Ҳожиб араб тили илмий тил, форс-тожик тили расмий тил ҳисобланган, туркий тил эса эътиборсиз қолган бир даврда туркий тилдаги илк бадиий достон — «Кутадғу билиг»ни яратди. Маҳмуд Қошғарий туркий тилни «араб тили билан икки улоқчи отдай тенглашиб, ундан ўзиб бораётган» тил сифатида фахр билан эътироф этди. Алишер Навоий туркий тил имкониятларини ҳам назарий жиҳатдан асослади — муҳим илмий қийматга эга бўлган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратди; ҳам амалий жиҳатдан исботлади — асарларининг тўқсон фоизини шу тилда битди. XX аср бошларида Фитрат туркий тилни «дунёдаги энг бой тил» деб таърифлади, шу билан бирга, унинг эътиборсиз қолганига ачинди. Абдулла Авлоний «Ҳифзи лисон деб ҳар миллатнинг ўз она тилини асрамоғини айтилур» дея биринчилардан бўлиб «тил муҳофазаси» масаласини кўтариб чиқди.**

# Авлодлар олдидаги бурч

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллатимиз ҳаётидаги буюк воқеа. Давлат тили ҳақидаги Қонун ўзбек тилининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 3-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир», деб қайд этилган. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгилаб берилиши айтилган. Мазкур ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида расман белгилаб қўйилди. Бу ўзбек тили тараққиётида муҳим ҳодиса эди. Ўзбек тили ҳуқуқий асосларининг яратилиши миллий тил тараққиётининг кейинги ривожланиш босқичларини белгилаб берди. Тилимизнинг мавқеи юксалди. Юртдошларимиз онгида «Давлат тили», унга амал қилиш талаблари ҳақидаги тушунча шаклланди.

Ўтган давр мобайнида тилимизнинг ижтимоий вазифаси кенгайди. Унинг алоқа-муносабат, ҳиссий таъсир вазифалари билан бир қаторда тафаккурни ривожлантирувчи, аниқ фан доирасидаги, ишлаб чиқариш тармоқларидаги янгиликларни ифода этиш хусусияти такомиллашди.

Тилимизнинг мавқеини кўтаришга, уни такомиллаштиришга хизмат қиладиган тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек тилининг 5-жилдлик изоҳли луғати тузилди. Тилшуносликнинг янги йўналишларида тадқиқотлар яратилди. Социолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, компютер лингвистикаси соҳаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тез суръатларда ривожланиб бораётган жамиятга хизмат қилувчи тезкор ахборот услубини шакллантириш, ўзбек тилидаги таржима, автоматик таҳрир дастурларини яратиш борасида изланишлар кетаяпти.

Бугунги кунда ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари, том маънода, янгича илмий қарашлар негизида тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарслиги янгича муносабат асосида қайта яратилди. Монографик тадқиқотларда ўзбек тилининг кенг имкониятларга эга эканлиги муайян соҳа ёки сатҳ тадқиқи асосида ёритилди. Ўзбек тили фонетикаси, семасиологиясига доир тадқиқотлар юзага келди. Тилимиз фонетикаси чуқур, атрофлича, янгича талқинда ўрганилди. Аждодларимиз томонидан ноёб дурга қиёсланган сўзнинг қадр-қиммати, таркиби, ички олами кенг таҳлил қилиб берилган семасиология соҳаси такомиллаштирилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мулоқотнинг асосий бирлиги ҳисобланган сўз талқинига бағишланган миллий тил семасиологияси борасидаги тадқиқот фақат немисларда мавжуд. Бугунги кунда эса семасиологиянинг умумий масалаларига эмас, айнан миллий тил сўзлари талқинига бағишланган монографик тадқиқот айнан ўзбек тилшунослигида яратилган.

Ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Нуқсонларнинг асосий фоизи ташқи ёзувлар, реклама матнлари, эълонлар билан боғлиқ. Аслида улар маълумот бериш, тарғибот, ташвиқот билан бир қаторда тилнинг имкониятларини ҳам ёритишга хизмат қилиши керак. Лекин тил меъёрларига амал қилинмайдиган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Ташқи ёзув ва реклама матнларида кўзга ташланаётган нуқсонларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

-техник хатолар — пешлавҳаларда, объект номларида учрайди: *«Улгужи савдо»* (**р** тушиб қолган), *«Гўзалик салони»* (битта **л** ёзилмаган), *«Заргарлик буюмлари ва устахонаси»* (**ва** ортиқча ёки **ва** боғловчисидан кейин муайян сўз тушиб қолган);

-имло хатолари (орфографик хатолар) – ташқи ёзув ва реклама матнларида кўп кузатиладиган нуқсонлардан бири. Орфографик хатоларнинг аксарияти **х** ва **ҳ** имлоси билан боғлиқ: *маҳсус* (махсус), *хурматли* (ҳурматли), *махсулот* (маҳсулот), *хар куни* (ҳар куни). Бу номларда ҳам кузатилади: *«Хур омад», «Гавхар»;*

**-ў, ғ** ҳарфларининг лотин ёзувидаги ифодасида тутуқ белгисини ноўрин қўллаш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бир қатор сўзларда тутуқ белгисини нотўғри қўллаш *(маъсул)* ёки қўлламаслик ҳолатлари *(тамирлаш)* кузатилади;

-жуфт сўзларнинг ёзилиши билан боғлиқ хатолар ҳам кўп: *Озиқ Овқат, дуру гавҳар* (озиқ-овқат, дур-у гавҳар);

-услубий хатолар. Уларнинг аксарияти паронимларни қўллаш билан боғлиқ: *пойафзал* (пойабзал) устахонаси, *ҳуш* (хуш) келибсиз, *йўл ҳаққи* (ҳақи);

Услубий хатолар гапдаги сўзлар тартибида ҳам кузатилмоқда. ***Масалан, «Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф» матни «Йўловчиларни лицензиясиз ташиш қонунга хилоф»*** тартибида берилиши лозим (юқоридаги тартибда ***лицензиясиз*** сўзи ***йўловчилар*** сўзининг сифатловчиси бўлиб қолган ва бу услубий хатони, шу асосда мантиқий номувофиқликни юзага келтирган).

Бу хатолар, биринчидан, миллий қадриятларимизнинг юзи ҳисобланмиш тил меъёрларини бузиш, давлат тили ҳақидаги Қонун талабларига амал қилмаслик ҳисобланади. Иккинчидан, бундай хатоларга йўл қўйиш ёшларнинг саводхонлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Улар эшитганига эмас, кўпроқ кўрганига ишонади. Бу ҳолат турли сўзлар имлоси ҳақидаги нотўғри тасаввурларга олиб келади.

Бундан ташқари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналарини номлашда хорижий сўзларга меъёрдан ортиқ даражада кенг ўрин берилиши миллийлигимизга соя солиб турибди.

Ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати, келгуси тақдири учун барчамиз масъулмиз. Бу эса аждодлар олдидаги қарзимиз, авлодлар олдидаги бурчимизни белгилаб беради.

**Зулхумор ХОЛМАНОВА,**
**филология фанлари доктори, профессор**



# Маънавият кўзгуси

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида 21 октябр — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун олдидан очиқ дарслар, учрашув, викторина ва танловлар ташкил этилмоқда. Наманган шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида ҳам «Тил — маънавият кўзгуси» мавзусида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёти фанига оид билимини намойиш қилди.

**Суратда:** *Наманган шаҳридаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мадина Умарова.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

## Мулоҳаза

**Тил — миллатнинг юзи. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши унинг қонуний ҳимоясини белгилаб берди. Лекин то ҳануз тилдан бирдек бехато фойдаланувчи бўла олмаяпмиз. Тўғри, ОАВда бу мавзу юзасидан мулоҳазалар кўп ва хўп айтилган. Бироқ зарурат бор экан, мавзуга яна ва яна қайтаверамиз.**

# «Келинг, ўзбекча сўзлашайлик»

Бугун кенг фойдаланаётганимиз ижтимоий тармоқларда ҳам тилдан тўғри, хатоларсиз фойдаланиш ҳақида кўплаб фикрлар ёзилмоқда. Эътиборлиси, бу фикрлар ёшлар томонидан билдирилмоқда. Улар ижтимоий сайтлардаги ўзаро муҳокамаларнинг соф адабий тилда бўлишини, сўзларнинг тўғри ёзилишини ўзларининг чиқишлари орқали қатъий айтишмоқда. Ҳаттоки, «Бехато ёзамиз» ижтимоий акцияси иш бошлади.

Бу ҳаракатлардан кўриниб турибдики, ёшларимизда тилимизга бўлган ҳурмат ва эътибор кучаймоқда, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа жамоат жойларида турли техник ёки бошқа сабаблар туфайли йўл қўйилган имло хатоларини тўғрилаш, бу борада фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш каби ҳаракатлар ташаббускори бўлишмоқда.

Яна бир мулоҳаза: университет таълими даврида сабоқдошлар орасида бир ўртоғимга нисбатан у «китобий сўзлайди» ибораси ишлатилиб турарди. Дарвоқе, «сабоқдош» сўзини ҳам ўша сўз куюнчаги бўлмиш курсдошим нутқимга уқдира-уқдира киритган. «Келинг, ўзбекча сўзлашайлик», дерди у.

Чиройли, латиф сўзлар билан гапиришни унутиб қўймайлик, тилимиз жозибаси фақатгина китобларимизни эмас, нутқимизни-да безасин.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2013 йил 11 октябрдаги 4/38-сонли хатига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган «ЗИЛ-431610» русумли, д/р 01 458 ТВА бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган юк ташиш автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 181 000 сўм.

Савдо 2013 йил 4 ноябр куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 1 ноябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2013 йил 4 ноябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 11, 18 ноябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 11 ноябрдаги такрорий савдолар учун 8 ноябр куни соат 18:00, 18 ноябрдаги савдолар учун 15 ноябр куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

**Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.**

**Изоҳ: а/в – автотранспорт воситаси, и/ч – ишлаб чиқарилган, б/б – бошланғич баҳоси.**

**Хизматлар лицензияланган.**

Футбол

**Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича 17 ёшгача ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси (FIFA) томонидан ўн бешинчи маротаба ташкил этилган мусобақада дунёнинг энг кучли 24 мамлакати ўсмирлар терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро куч синашмоқда.**



# УМИДИМИЗ КАТТА

17 октябрдан 8 ноябрага қадар давом этадиган мундиалга Ал-Айн, Дубай, Шаржа, Абу-Даби, Рас Ал-Ҳайм ва Фужайра шаҳарлари мезбонлик қилади.

Осиё чемпиони сифатида мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «С» гуруҳида Хорватия, Панама ва Марокаш футболчилари билан рақобатлашади. Ушбу гуруҳ ўйинлари Фужайра шаҳридаги стадионда бўлади.

Мусобақа қоидасига биноан, олти гуруҳнинг ҳар биридан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда энг яхши кўрсаткичга эга бўлган учинчи ўриндаги яна тўрт терма жамоа мусобақанинг кейинги босқичига йўлланма олади.

Вакилларимиз гуруҳдаги дастлабки учрашувни кеча Панама футболчиларига қарши ўтказди. 21 октябрга белгиланган иккинчи турда ҳамюртларимиз Марокаш ўсмирлар терма жамоаси билан, 24 октябрда хорватиялик тенгқурлари билан рақобатлашадилар.



«Бутунжаҳон жанг санъати ўйинлари — 2013»

**Дзюдо бўйича миллий терма жамоамизнинг беш аъзоси — Мирали Шарипов, Шуҳрат Арслонов, Болтабой Болтаев, Улуғбек Норқобилов, Шерали Жўраев Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон жанг санъати ўйинларида иштирок этмоқда.**

# ПОЛВОНЛАР ШАЙ

Юздан ортиқ давлатдан келган бир ярим мингга яқин спортчи 135 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бормоқда.

Иштирокчилар жамоавий тарзда ўн беш спорт турида ўзаро беллашадилар. Улар орасида Олимпия ўйинлари дастурига киритилган дзюдо, бокс, эркин ва юнон-рум кураши, таэквондо, қиличбозлик ҳамда дастурга киритилмаган айкидо, жиу-житсу, каратэ, кендо, кикбоксинг, муайтай, савате, самбо, сумо, ушу каби спорт турлари бор.

Мусобақалар 26 октябрга қадар давом этади.

Теннис

**Юртимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Москва шаҳрида ташкил этилган «Кремл кубоги» беллашувларида корт эгаси Андрей Кузнецовни уч сет якунига кўра 6:0, 2:6, 6:1 ҳисобида енгди. Аммо, афсуски, кейинги босқичда хорватиялик Иво Карловичга қарши кортга чиққан вакилимиз кичик ҳисобда имкониятни бой берди.**



# КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Жуфтлик беллашувларида эса Михаил Елгин билан ҳамкорлик қилаётган вакилимиз Томаш Беднарек (Полша) ҳамда Даниеле Браччиали (Италия) жуфтлигини бир хил — 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Энди Истомин ва Елгин жуфтлиги ярим финалга чиқиш учун Алекс Богомолов (Россия) ҳамда Дуди Села (Исроил) дуэти қаршилигини енгиб ўтишига тўғри келади.



Бокс

**Бокс бўйича Олмаота шаҳрида (Қозоғистон) ўтказилаётган XVII жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ўн боксчи — Ҳасанбой Дўстматов, Жасурбек Латипов, Шаҳриёр Исоқов, Фазлиддин Ғойибназаров, Санжар Раҳмонов, Хуршид Норматов, Азиз Абдуғофуров, Ойбек Мамазулунов, Рустам Тўлаганов ва Мирзоҳид Абдуллаев ҳимоя қилмоқда.**

# ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР

Мазкур турнир боксчиларимиз учун 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига муҳим тайёргарлик босқичи бўлади. Биринчи бўлиб рингга кўтарилган Рустам Тўлаганов дастлабки жангда Янги Зеландия вакили Давид Лайтни катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Энди 91 кг. вазн тоифасидаги боксчимиз молдовалик Владимир Челесга қарши жанг ўтказади.

64 кг.да Осиё чемпиони Санжар Раҳмонов замбиялик Жилберт Чумбени енгиб, кейинги босқичда озарбайжонлик Ҳайбатулла Гаджиалиев билан куч синашадиган бўлди.

Шаҳриёр Исоқов (56 кг.) непаллик Динеш Шрестани катта устунлик билан енгди. Энди у нимчорак финал йўлланмаси учун қирғизистонлик Ўмурбек Малабеков билан куч синашади.

Азизбек Абдуғофуров 75 кг. вазн тоифасида илк учрашувда Сейшел ороллари терма жамоаси вакили Йоветте Жеанни биринчи раундда техник нокаутга учратди. Боксчимизга кейинги жангда тожикистонлик Наврўз Жафоев рўбаро келади.

Самбо

**Салоники шаҳрида (Греция) ёшлар ўртасида якунига етган Жаҳон чемпионатида вакилларимиз икки кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди.**



# ИККИ КУМУШ, УЧ БРОНЗА

Дунёнинг ўттиз мамлакатидан 500 дан ортиқ самбочи қатнашган мусобақада Давлатжон Ҳамроев (-62 кг.) Чиприана Братилу (Руминия), Павел Гладки (Белорус), Фарид Микоилов (Озарбайжон)ни енгиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Яна бир полвонимиз Жаҳонгир Раҳимов (-48 кг.) финалгача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтиб, кумуш медал соҳибига айланди.

Терма жамоамиз ғазнасига бронза медалларни ўз вазн тоифаларида Тоҳир Асроров, қизларимиздан Маликабону Мирзаева, Нилуфар Раҳмонова қўшиб қўйди.



Юнон-рум кураши

**Сараево шаҳрида (Босния ва Герцеговина) фахрийлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати баҳслари якунига етди.**

# ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Дунёнинг ўттиз икки давлатидан мингга яқин полвон иштирок этган чемпионатда ҳамюртимиз Фурқат Исаев (-69 кг.) 41-45 ёшли фахрий полвонлар орасида учинчи поғонани эгаллади. Мазкур вазн тоифасида ғолиблик мезбон Драган Марковичга, кумуш медал эса Наримон Каримов (Қозоғистон)га насиб этди.

Кейинги жаҳон чемпионати келгуси йили 5-10 октябр кунлари Сербиянинг Белград шаҳрида ташкил этиладиган бўлди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -18.00
Topshirildi -18.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —1011

13821 nusxada bosildi

2 3 4 5